

## АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАРНИ САҚЛАШ УСУЛИНИ ТАНЛАШ УСЛУБИЯТИ

**Шерзод Эшқуватович Исломов**

Жиззах политехника институти, катта ўқитувчи  
[sh.islom@list.ru](mailto:sh.islom@list.ru)

**Ление Мансуровна Мамаева**

Жиззах политехника институти, катта ўқитувчи  
[lenie\\_m1983@mail.ru](mailto:lenie_m1983@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Автотранспорт корхоналарида автомобилларни сақлаш очик ва ёпик ҳолда усули мавжуд бўлиб, сақлаш турини танлаш ҳудуднинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур мақолада автомобилларни сақлаш усулини танлашга таъсир қиладиган факторларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш услубияти келтирилган.

**Калит сўзлар:** автомобил, эксплуатация, автомобилларни сақлаш, ҳараорат, иқлим шароити, техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

### ABSTRACT

At transport enterprises, there is an open and closed way to store cars, the choice of the type of storage is made taking into account the natural and climatic conditions of the region. This article presents a methodology for accounting and analysis of factors influencing the choice of a method of storing vehicles.

**Keywords:** car, operation, car storage, temperature, climatic conditions, technical and economic indicators.

### КИРИШ

Автотранспорт корхоналарида автомобилларни сақлаш хизматини ташкил этиш техник эксплуатациянинг ажралмас бир функцияси ҳисобланади, чунки автомобил техник ҳолатининг ўзгариши ва атроф-муҳитга зарарли таъсири уни қандай усулда сақланишига ҳам боғлиқ [1].

Автомобилларни сақлашнинг очик ва ёпик тур мавжуд бўлиб, сақлаш усулига таъсир қилувчи иқлим шароитларининг энг муҳим омиллари қишда ҳаво ҳарорати ва шамол тезлигидир.

Автомобилни сақлаш нуқтаи-назаридан, иқлим шароити энг совуқ ойнинг ўртача ҳарорати (январ) ва йилига  $0^{\circ}$  С дан паст ҳароратли кунлар сони билан тавсифланади [2].

Очиқ жойларда сақлашнинг ҳарорат шароитлари кўп жиҳатдан шамол тезлиги билан белгиланади. Шамол тезлигининг 1 м/с га ошиши совутиш интенсивлиги нуқтаи - назаридан ҳаво ҳароратининг 10% га пасайишига тенг деб ҳисобланади [3].

Бундан ташқари юқори ҳаво ҳарорати тўғридан-тўғри қуёш нурлари билан биргаликда бўёқ, каучук ва пластмасса қисмларга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Уларнинг жадал эскириши содир бўлади, бунинг натижасида сиртда ёриқлар пайдо бўлади, ёрқинлиги ва асл рангини йўқотади ва ташқи кўриниш ёмонлашади. Бундай иқлим шароитида автомобилларни қуёш нурларидан ҳимоя қилиш учун сақлашда, айниқса автотранспорт воситалари узоқ вақт давомида таъсир қиладиган ҳолатларда жуда муҳимдир [4].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Олиб борилган тадқиқотларни таҳлили шуни кўрсатадики, автомобилларни сақлаш усулини танлаш бўйича юртимиз олимларидан М.З.Мусаёнов, Н.М.Мўминжонов, Ш.Э.Исломов, О.К.Адилов, Б.Я.Бегматов ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида учрайди. Лекин мазкур олимлар сақлаш усуллари танлашда иқтисодий усулда ёндошув кузатилмайди [2, 3, 4, 5, 10, 11].

## НАТИЖАЛАР

Сақлаш усулини танлашга ҳаракатланувчи таркибнинг тури тўғридан-тўғри таъсир қилади. Ҳаракатланувчи таркибнинг турига қараб, уни сақлашга қўйиладиган талаблар ўзгаради, шунинг учун бир хил иқлим шароитида турли ҳилдаги автомобилларда турлича усуллари қўлланилади. Масалан, энгил автомашиналар ва автобусларни сақлашда нархи автотранспорт нархининг муҳим қисмини ташкил этувчи кузовларни коррозиядан ҳимоя қилиш талаблари юк машиналарини сақлашга нисбатан қимматроқ ва бундай оширилган талабларга риоя қилиш, тегишли сақлаш шароитларини таъминлаш зарур [5].

Автомобилларни сақлаш усуллари танлаш асосан қуйидаги икки кўрсаткични таққослаш ҳисобига амалга оширилади:

-биринчиси, сақлашни ташкил этиш учун сарфланадиган бирламчи сармоя;  
-иккинчиси, автомобилни сақлаб туриш учун сарфланадиган эксплуатация харажатлари.

## МУҲОКАМА

Автомобилни ҳар хил усулда сақлашнинг эксплуатация таннархи икки кўрсаткичнинг натижавий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Биринчи кўрсаткичга бино қиймати, уни иситиш ёки иситмаслик, иситилса, ўрнатиладиган иситиш қурилмалари қиймати киради. Агар автомобил очик майдонда сақланса, совуқ кунларда двигателни ўт олдиришни осонлаштирувчи: сув, буғ, электр ёрдамида иситиш усуллари ёки ҳозирги пайтда кенг тарқалган, автомобилнинг ўзига ўрнатиладиган иситиш қурилмалари қўлланилиши мумкин.

Эксплуатация харажатларига эса бинони иситиш учун зарурий иссиқлик миқдори, жиҳозларнинг техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатлари ҳамда қўшимча харажатлар киради. Ҳар бир ҳолатда ҳудуднинг табиий - иқлим шароитини, автомобилларнинг ишга чиқиши ва ишлаши ҳамда сақланиш тартибини, автомобил туркуми ва ўлчамини ҳисобга олган ҳолда, эксплуатация таннархи ҳисобланиб, таққосланиб сақлаш усули танланади [6].

Автомобилларни ишга чиқаришда уларнинг техник қобилияти маълум ҳолатда талаб даражасида бўлмаслиги маълум, айниқса совуқ шароитларида двигателнинг ўт олдириш, уларнинг керакли ҳароратда қиздиришда кўп вақтни талаб этади. Бу автомобилларнинг иқтисодий самандорлигига салбий таъсир этади.

Аниқ автотранспорт корхоналари учун турли иқлим шароитида автомобилларни сақлаш тизими автомобилларнинг сонига, турга ва АТКсининг функционал вазифасига боғлиқдир [7].


Республикамизнинг табиий-иқлим шароитини ўрганадиган бўлсак, асосай ҳудудлари иссиқ-қуруқ ва жуда иссиқ қуруқ ҳудудларга тўғри келади. Бундай ҳудудларда автомобилларни сақлашнинг очик усули тавсия этилади.

Юқоридаги схематик боғланиш бўйича гаражсиз сақлаш тизимини қуйидаги кетма кетликда баҳолаш мумкин:

Чегараланган ҳарорат кўрсаткичида гаражсиз автомобилларни сақлаш ҳароратини солиштириш;

-очик сақлаш тизимини таққослашда ҳайдовчига таъсир этувчи омилларни (кволиметрик баҳолаш);

-энергия сарфи бўйича гаражсиз сақлашни таққослашда иқтисодий баҳолаш.



1- расм. Автомобилларни гаражсиз сақлаш принципиал схемаси

Юқорида қайд этилган баҳолаш методик тизимини ҳар қандай АТК ларни комплекс баҳолаш имконини яратиб, унда техник, энергетик, иқтисодий кўрсаткичларни таснифлаш билан бирга очик сақлаш тизими методларини қўллашда хатоликларга йўл қўймаслик ва ҳар қандай иқлим шароитларида баҳолаш мумкин бўлади.

Автомобилларнинг ишга тайёргарлик даражасини совуқ шароитларда агрегат, механизм ва деталларнинг ҳарорат ҳолатларини аниқлаш бўйича бажарилади.

Умумий ҳолатларда ҳарорат кўрсаткичлари қуйидаги омилларга боғлиқ:

*C*-гаражсиз сақланиш қобилияти;

$t_x$  -муҳит ҳавосининг ҳарорати;

*M*-автомобил конструктив хусусияти.

Юқоридаги кўрсаткичларга асосланиб ҳарорат даражаси қуйидагича аниқланади:

$$t_x = f(C, t_x, M); \quad (1)$$

Шу ўринда С-гаражсиз сақланиш қобилияти С-const, М-автомобилнинг конструктив хусусияти М-const яъни аниқ корхона шароити учун деб қарасак у ҳолда, ҳарорат кўрсаткични фақат муҳит ҳаво ҳарорати бўйича баҳолаш этарли бўлади:

$$t_x = f(t_x); \quad (2)$$

Асосий муаммо бу совуқ шароитларда автомобилни эксплуатация қилиш бўлиб, бунда тиббий физиологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики двигателни ишга тушириш жараёнида ташқи муҳитнинг совуқ ва кабина салон ички ҳарорати ҳайдовчининг бошқарув хусусиятига салбий таъсирини кўрсатади. Шунингдек двигателдаги деталларнинг техник қобилиятининг пасайиши уларнинг ишчи қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Экспремент тадқиқот жараёнида паст ҳароратга боғлиқ қуйидаги ноқулайликлар аниқланди:

- Двигател бўйича (деталларнинг ейилиш даражасининг ортиши);
- аккумулятор батареялари (стартёрнинг ишга туширишдаги зўриқиши аккумулятор батареяси зарядининг йўқолишига стартёр хусусиятининг бузилиши);
- мой фильтри (мой айланиш тизимини ташкил қилишдаги нуқсоннинг юзага келиши);
- узатмалар қутиси (айланишга қаршилиқнинг ошиб кетиши);
- кабина салони (ҳайдовчи учун қулай микроиклимни ҳосил қилиш).

## ХУЛОСА

Автотранспорт корхоналарида транспорт воситаларини сақлаш усулини танлашда аввало ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, АТКнинг ишлаш шароити, функционал вазифаси ва автомобил туридан келиб чиққан ҳолда очик ва ёпиқ ҳолда сақлашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш, натижаларни таҳлил қилиш, таққослаш ва сақлаш усулини танлаш зарур. Бунда очик ва ёпиқ сақлашда атроф-муҳитнинг таъсири натижасида автомобилларнинг техник ҳолатини баҳолаш методларини, совуқ иқлим шароитларида автомобилларни қиздириш учун кетадиган ҳаражатлар ва унинг атроф-муҳитга зарарли таъсири ҳам инобатга олинади.



## REFERENCES

1. Islomov, S. (2020). РЕСПУБЛИКАМИЗДА АВТОМОБИЛЬ СЕРВИСНИНГ ИСТИҚБОЛИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
2. Бахриддин Бегматов, & Муродулла Эшонкулов (2021). ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА АВТОМОБИЛ ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ ИШЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 2 (2), 963-970. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00288
3. Eshquvvatovich, I. S., & Abdurakhimovich, P. U. (2021). The importance of the level of motorization in the development of vehicle maintenance. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 18-26.
4. Islomov, S. (2020). КИЧИК QUUVVATLI ATKLARDA TEXNIK XIZMAT KO'RSATISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
5. Islomov, S., & Nomozboyev, O. (2021). AVTOTRANSPORT KORXONALARINI INNOVATSION LIHOZLASHGA TA'SIR QILIVCHI EKSPLUATATSION OMILLAR. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 216-223.
6. Mansurovna, M. L., & Eshquvvatovich, I. S. (2021). Study of the influence of operating factors of a vehicle on accident by the method of expert evaluation. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 10-17.
7. Eshquvvatovich, I. S., & Sattorovich, Q. I. (2021). DETERMINATION OF THE MAIN FACTORS AFFECTING THE TECHNOLOGICAL EQUIPMENT OF MOTOR TRANSPORTATION ENTERPRISES. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(1), 1-9.
8. Eshquvvatovich, I. S., & Abdukarimovich, U. B. (2022). INFLUENCE OF CAR ERGONOMICS ON TRAFFIC SAFETY. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(5), 22-29.
9. Эрназарова, Л. М., Азизов, Б. Д., & Кулмурадов, Д. И. (2015). Принципы формирования и развития терминальных систем в Узбекистане. In *Технические науки: проблемы и перспективы* (pp. 79-83).
10. Ление Мансуровна Мамаева (2022). ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДА ДЕЛЬФИ В ПРЕПОДАВАНИИ ПРЕДМЕТА «УПРАВЛЕНИЕ ТЕХНИЧЕСКИМИ СИСТЕМАМИ». *Academic research in educational sciences*, 3 (3), 154-161.
11. Бегматов, Б. Я., & Ҳаққулов, Б. А. (2020). Кафолат даврида автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3).



12. Суванкулов, Ш., Исламов, Ш., & Каршибаев, Ш. Берди? ров, Т.(2015). СПОСОБЫ РАСЧЕТА ВРЕДНЫХ ВЕЩЕСТВ ВОЗНИКАЮЩИХ НА ПОСТАХ ПОВСЕДНЕВНОГО ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ УСЛУГ ТРАНСПОРТНЫМ СРЕДСТВАМ. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 8, pp. 23-27).
13. Адиллов, О. К., Умиров, И. И., & Абдурахманов, М. М. (2021). Анализ существующих работ, посвященных проблемам экологии автомобильного транспорта. *Вестник науки*, 2(2), 74-82.
14. Umirov, I. I. O. G. L., & Xushro'Y, A. S. (2022). AVTOBUS VA MIKROAVTOBUS YO'NALISHLARIDA HARAKAT MIQDORI VA TARKIBINI TADQIQ QILISH. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 412-420.
15. Umirov, I. I., & Shukurov, S. A. O. G. L. (2022). AVTOBUS VA MIKROAVTOBUS YO'NALISHLARIDA HARAKAT XAVFSIZLIGINI OSHIRISH UCHUN TAVSIYALAR ISHLAB CHIQISH. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 274-279.
16. Umirov, I. I., Hojmuratov, N., & Shukurov, S. (2022). HARAKAT YO'NALISHLARIDA AVTOBUSLARNING HARAKAT XAVFSIZLIGIGA TA'SIRINI BAHOLASH. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 268-273.
17. Одилов, Н. Э. (2021). Особенности эксплуатации двс газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 238-244.

